# ҲУРМАТЛИ ТАЛАБА ЁШЛАР!

*Сизларни Халқаро талабалар куни билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Ҳур, мустақил ватанда ўқишда, ижодда, ҳаётда ўрнингизни топаётганингиз бизларни қувонтиради, кўнглимизни тоғдек кўтаради.*

**Президентимизнинг “Ёшларимиз илм чўққиларини эгаллашлари учун биз уларга қанот беришимиз керак” деган ҳикматлари мустақиллик даврида амалда намоён бўлмоқда. Биргина мисол: ҳозирда қанчадан-қанча йигит-қизларимиз хорижда ўқимоқда.**

## Айёмингиз муборак бўлсин, навқирон авлод!

**Андижон Муҳандислик-иқтисодиёт институти жамоаси**


Ibratli kishilar



# МЕҲР НУРЛАРИДАН ЁРИШГАН МОЗИЙ

Сигир йилида, Ақраб ойининг 27-куни, чоршанбада (1925 йил, 18 ноябрь), Ходижон домла ва Меҳрихон ая хонадонларида чақалоқ йиғиси янгради. Бу қизалоққа яхши ниятлар билан Раҳимахон деб исм бердилар. Қўқоннинг кўзга кўринган муаллими Ходижон ва уларнинг завжалари бўлмиш Меҳрихон ая Раҳимахонни ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарз бўлган илм ўрганмоғига, саводли қиз бўлиб вояга етишига катта эътибор бердилар.

Фанимизнинг йирик намоёндаларидан бири академик Раҳимахон Аминова ўрта мактабни аъло баҳолар билан битиргач, Ўзбекистон Миллий университетининг шарқ факультетига ўқишга кирди. Сўнг Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти аспирантурасига қабул қилинди. Тадқиқоти билан бирга илмий ва публицистик мақолалари билан матбуот саҳифаларида ҳам фаол қатнашди. Илмий ишига ҳали ҳеч ким қўл урмаган маълумотларни киритишга интилди. Йигирма саккиз ёшида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Суҳбатлардан бирида биз “Амин”ва “Ӧмин” сўзларининг ўхшашлиги тўғрисида Раҳимахон опага гапирдик. Устоз бир тоза варақ олдиларда, унга арабий ҳарфларда бу сўзларни ёзиб, уларнинг маънолари, диний талқини, туркий талаффуздаги ўрни хусусида чуқур тушунча бердилар. Бу дамда, агар устоз аграр масалага нисбатан қадимги қўлёзмалар устида тадқиқотлар ўтказиб тарихимизни ёритганларида эди, деб ўйлаб қоласан киши. Совет тузумига миллат тарихи эмас, балки қорани оқ, оқни қора дегувчи сохта тарих яратиш керак эди. Шу жиҳатдан 24 ёшли шарқшунос олима қиз ўз "таълимоти"ни ўрганишга йўналтирилди. Ҳа, миллатимиз фанининг қисматида бу "йўналиш"да меҳнат қилиш чеки ёзилган эди. Буни замона зайли, дейдилар.

Агар устоз Раҳимахон опа ёзган асарларни диққат билан кузатсангиз, архив ҳужжатларидан олинган иқтибосларнинг сероблигига амин бўласиз. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг кекса ходимларини айтишларича, улар мазкур архивда неча йиллардан бери ишлаётган бўлсалар, Раҳимахон опадек ҳужжатлар билан кўп ишлаган олимни кўрмаганлар. Ҳатто, чилласи чиқмаган чақалоқ — Рустамжонни архивга болалар аравачасида бирга олиб бориб ишлаганликларини ҳам эслашади.

Устоз 1957-1975 йиллари институтда бўлим мудири лавозимида ишлаган даврда ташкилотчилик фаолиятлари янада ёрқин намоён бўлди, иқтидорли ёшларни илм соҳасига жалб этдилар, уларга ўз яқинларидек муомалада бўлдилар. 1963 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилдилар. 1960-70 йиллар давомида бир нечта тарихий монографиялар тайёрлаб, нашр эттирдилар.

1966 йилда тарих фани олдидаги кенг кўламли муаммоларни ишлаб чиқишда қўшган катта ҳиссалари эътиборга олиниб, устоз Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир-аъзолигига сайландилар. Улар томонидан ёзилган асарлар собиқ иттифоқ олимлари эътирофига сазовор бўлган.

Йирик тарихчи сифатида Раҳимахон опа жаҳон олимлари томонидан ҳам тан олинган. Чунончи, тарих фанлари бўйича XIII, XIV (Сан-Франциско), XVI (Штутгарт) Халқаро Конгрессларида, Бутунжаҳон социологик Конгрессларида (Швеция, Мексика), ҳамда Куба, Эфиопия, Италия, Жазойир, Болгария, собиқ ГДР ва бошқа давлатларда ўтган Халқаро конференция ва симпозиумларида Ўзбекистон тарихини ўрганиш масалалари, Ўрта Осиё халқларининг тараққиёт тажрибаси мавзуларида соф инглиз тилида маъруза қилганларида, кўплаб чет эллик олимлар ҳайратда қолганлар. Бу маърузалар натижаси ўлароқ, олиманинг асарлари инглиз, рус, француз, араб, пушту, дари, лаос тилларида нашр этилган.

Раҳимахон опа бугунги кунгача ўндан ортиқ докторлик, юзга яқин номзодлик ишларига раҳбарлик қилди. Унинг 300 дан зиёд илмий тадқиқот ишлари, жумладан 30 га яқин монографиялари нашр этилди.

Устоз умр йўлдошлари, таниқли академик, раҳматли Содиқ Азимов билан тўрт фарзандни вояга етказдилар.

Устоз тўғрисида турли йиғинларда ва учрашувларда сўз очилса, суҳбатдошларимизнинг деярли барчаси уни даставвал Олийжаноб Инсон деб таърифлашади. Шундай чоғда устоз падарибузрукворлари Ходижон акани ва волидайи муҳтарамалари Меҳрихон аяни эсга оладилар. Айниқса, улар улашган меҳр мурувватни...

Меҳр — сўзининг луғавий маъноси қуёш, офтоб демакдир. Айтиш мумкинки, кеча Меҳрихон аядан қизига — Раҳимахонга таралган меҳр нурлари, бугун Раҳимахон опадан фарзандларига, қариндошларига, шогирдларига, бутун Ўзбекистон илм аҳлига тараляпти...

**Нодира МУСТАФОЕВА,**
**Илҳомжон ЖАМОЛОВ,**
**ЎзР ФА Тарих Институти илмий ходимлари**


## Андижон Қишлоқ хўжалиги институти жамоаси мамлакатимиз ёшларини қутлуғ сана — Халқаро талабалар куни билан қутлайди

Уларнинг бундан-да баландроқ илм ва касб чўққиларини забт этиб, қудратли мамлакатнинг фарзандлари эканлигини дунёда намойиш этишларига ишонади.

## Байрамингиз қутлуғ бўлсин!



**Андижон Қишлоқ хўжалиги институти**

## Андижон Давлат тиббиёт институти Ўзбекистон ёшларини Халқаро талабалар куни муносабати билан чин юракдан муборакбод этади.



Президентимиз "Ўзбекистон келажагини ёшлар қиёфасида кўраман" деб ёшларимизга катта ишонч билдирмоқдалар.

Биз ҳам ана шундай шижоатли, фикри теран, тиришқоқ ёшларни тарбиялаётганимиздан фахрланамиз.



**Яна бир карра байрам кунингиз қутлуғ бўлсин, навқирон ёшлар!**

**Андижон Давлат тиббиёт институти жамоаси**

**— Андижон Давлат тиббиёт институти сўнгги қирқ беш йилда мамлакатимизнинг тиббиёт муассасаларига 22 минг 569 нафар олий маълумотли шифокор кадрларни етказиб берди, - дейди ректор, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мамазоир Хўжамбердиев. — Айни пайтда олийгоҳимизда таҳсил олаётган икки минг бир юз эллик нафар талабага уч юзу етмиш беш нафар мураббий сабоқ бермоқда.**



# ТАЪЛИМ УФҚЛАРИ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури педагогларимиз олдига ёшларимизни баркамол кадрлар қилиб тарбиялаш масаласини кўндаланг қўйганини бизнинг жамоамиз ҳар қадамда ҳис этмоқда. Шу туфайли ёшларимиз интеллектуал салоҳиятларини оширишлари учун институтимизда барча шароит яратилган. Масалан, "Интернет" тармоғи орқали талабаларимиз дунёдаги кундалик илмий янгиликлар билан танишиб бормоқда. Бундан ташқари 150 та компьютеримиз орқали ёшларимиз ўзларининг компьютер саводхонлигини оширишаётир. Яна шуни қўшимча қилиб айтиш керакки, заҳираси 255523 нусхани ташкил этган кутубхонамиз талабаларимизнинг маънавий эҳтиёжини қондирмоқда. Унинг заҳираси йилдан-йилга янги адабиётлар билан бойитиб борилмоқда. Биргина жорий ўқув йилида 2829 та илмий адабиёт сотиб олдик.

Талабаларимизнинг билимларини оғзаки ва ёзма равишда баҳолаётганлигимиз ҳамда якуний назоратни тест асосида олаётганимиз уларнинг фанларга бўлган қизиқишларини оширмоқда. Шу туфайли ўзлаштириш сифати йилдан-йилга яхшиланмоқда. 1997-98 ўқув йилида ўзлаштириш кўрсаткичи 76,7 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 93,1 фоизга кўтарилди. Иқтидорли талабаларимизнинг сони эса яна 100 нафарга кўпайди.

Талабаларимиз мамлакат миқёсида ўтказилаётган олимпиада, кўрик-танлов, мусобақаларда катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Масалан, нормал физиология, биология, терапия, акушерлик ва гинекология, чет тили фанлари бўйича сўнгги йилларда юқори ўринларни эгаллашди. Бундан ташқари Наманган шаҳрида бўлиб ўтган "Универсиада-2000" спорт мусобақасида йигит-қизларимиз фаол қатнашиб, битта олтин, битта кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритишди. Кейинги йилларда 35 нафар талабамиз республика ва хорижда ўтказилган халқаро анжуманларда қатнашди.

Бу муваффақиятларни қўлга киритиш, албатта, осон кечмаяпти. Бунда педагогларимизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Уларнинг салоҳияти анча юқори. Бизда талабаларга 49 нафар фан доктори ҳамда 184 нафар фан номзоди илм сирларини ўргатмоқда. Яна бир қувончли жиҳати шундаки, олимларимизнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Сўнгги йилларда ёш тадқиқотчиларимиздан 10 нафари докторлик ҳамда 33 нафари номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бундан ташқари улар томонидан 18 ихтиро, 102 роционализаторлик таклифи ҳамда 185 та илмий ишланма амалиётга тадбиқ этилди. Тадқиқотчиларимизнинг 150 дан ортиқ мақола ва тезислари хориж журналларида чоп этилди.

Яна шуни фахр билан айта оламанки, сўнгги йилларда институтимиз олимлари Россия Федерациясининг Москва Лазер хирургия маркази, Санкт-Петербург тиббиёт академиясида, шунингдек АҚШ, Англия, Исроил, Япония, Голландия мамлакатларининг илмий тадқиқот муассасаларида бўлиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

Хуллас, бизнинг ҳар битта хатти-ҳаракатимиз, изланишларимиз баркамол шахсларни тарбиялашга қаратилгандир.

**Мулоқотни Асилхон ИСКАНДАРОВ ёзиб олди**





## АЗИЗ ТАЛАБАЛАР!

*Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси жонажон Ўзбекистонимиз келажаги бўлган ёшларни Халқаро талабалар куни билан*

*ҚУТЛАЙДИ!*

**Ёшлар мамлакати ҳисобланган Ўзбекистонимизни бутун дунё тан олди. Бундай эътирофга сазовор бўлишимизда, албатта, ёшларимизни ҳам алоҳида ўрни борлигидан биз педагогларнинг руҳимиз баланд, кўнглимиз хотиржам. Президентимиз "Ўзбекистон келажаги ёшлар қўлида" деб, истиқлол даврида тўла камол топган, келажакка ишончи зўр, ғайратли, қалбида ўти бор, тафаккури уйғоқ ёшларимизга қарата айтганлари бежиз эмас. Азиз ёшлар! Барча умидларимиз Сиздан!**

Яна бир бор Сизларни байрам билан муборакбод этамиз!

*Билимингдан бир кун етарсан бахтга,*
*Билимсиз ким етар тож ила тахтга?*

**Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси**

